TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMAN HOKIMI
Q A R O R I

2022 - yil 17 - fevral 46-14-203-Q/22 Yashnobod tuman hokimligi

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 11 январдаги “ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сонли Фармони ижроси ҳақида”ги 16-14-0-Q/22-сонли қарори ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сонли Фармони ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 11 январдаги 16-14-0-Q/22-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 11 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сонли Фармони ижроси ҳақида”ги 16-14-0-Q/22-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорга мувофиқ:

Бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси татбиқ этилиши;

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга

узайтирилганлиги;

Яшил ҳудудларни ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва кўчат экиш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

2022-2026 йилларда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудларига суғориш тизимларини ва сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш бўйича дастур;

2022-2026 йилларда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлаш параметрлари тасдиқланганлиги;

Мазкур бандда белгиланган тадбирлар 2022 йилда республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган ссуда маблағлари ҳисобидан, 2023 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

4. Туман ҳокими ўринбосари (И.Зиявиденов), Туман Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (И.Хакимов), Туман Ободонлаштириш бошқармаси (А.Нишанов), Туман Матбуот котиби (А.Махмудов):

ҳар йили куз ва баҳор мавсумларида кўчат экиш ва сақлаш ишларини ташкил этиш бўйича "яшил ҳафталик" тадбирлари ўтказиб борилиши;

телевидение ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланган ҳолда, ёшлар ва бошқа кўнгиллиларни дарахт экиш, парваришлаш ишларига фаол жалб қилиш тадбирларини ташкил этиш чоралари кўрилсин.

5. Туман ҳокими ўринбосарлари (Л.Темиров, И.Зиявиденов), Туман Ободонлаштириш бошқармаси (А.Нишанов);

"яшил ҳафталик” тадбирларида бажариладиган барча ишлар ва ўтказиладиган тадбирлар ихтиёрий равишда амалга оширилиши;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан аҳолига бепул кўчат тарқатиш учун маҳалла фуқаролар йиғинларига кўчатлар етказиб берилиши ҳамда "яшил боғлар" ва "яшил жамоат парклари"га дарахт экиш мақсадида келган фуқароларни кўчат экиш учун зарур жиҳозлар билан таъминланиши

белгиланганлиги инобатга олинсин.

6. Ирригация ва суғориш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича 1-иловага мувофиқ ишчи гуруҳи тузилсин.

7. Ишчи гуруҳи икки ой муддатда туман марказида ободонлаштириш объектларининг суғориш тизимларини, шу жумладан ариқлар, насослар, қудуқлар, суғориш қувурлари ва ер ости сув чиқариш қудуқларини хатловдан ўтказиб, уларни жорий таъмирлаш, қайта тиклаш ва тозалаш чоралари кўрилсин.

8. Тошкент шаҳрида Яшил ҳудудларни ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва кўчат экиш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича "йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Зиявиденов зиммасига юклатилсин.

Яшнобод тумани ҳокими **Б.Рахманкулов**

Яшнобод туман ҳокимининг
2022 йил 17 февралдаги
46-14-203-Q/22-сон қарорига
1-илова

Ирригация ва суғориш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича туман ишчи гуруҳи

ТАРКИБИ

1.	Б.Рахманкулов	- Туман ҳокими, *ишчи гуруҳ раҳбари*
2.	И.Хакимов	- Туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси туман инспектори, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3.	Б.Умаров	- Туман Ободонлаштириш ботшқармаси Ирригация хўжалигини ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлаш ихтисослаштирилган бўлими бошлиғи
4.	Э.Эшматов	- Туман Қурилиш бўлими бошлиғи
5.	Б.Отамуродов	- Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи

Яшнобод туман ҳокимининг
2022 йил 17 февралдаги
46-14-203-Q/22-сон қарорига
2-илова

Яшнобод туманида Яшил ҳудудларни ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва кўчат экиш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича

"ЙЎЛ ХАРИТА"

Р/р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Бажо муддати	Масъул ижрочилар
I. Дарахт ва бутазорни экиш, яшил ҳудудларни ташкил этиш ва ирригация фаолиятини жадаллаштириш чоралари					
1.	"Янги Ўзбекистон боғи" намунаси асосида ҳудудларда тотишни богларни барпо этиш чораларини кўриш.	Амалий чора-тадбирлар: Бунда: ҳудудлар ҳисобида белгиланган тартибда ер майдонларини ажратиш; богларни ташкил этиш учун дарахт-бута ўсимликларини танлаш ва замонавий дизайн архитектурани асосида кўчатларни экиш схемаларини ишлаб чиқиш; белгиланган схемаларда суғориш тизимларни ва ирригация тармоқларини тайёрлаш; кўчатларни экиш схемалари бўйича агротехника қоидалари асосида экилишини ташкил этиш.	Маҳаллий бюджет маблағлари	2022-2024 йиллар	Туман ҳокими ўринбосари И.Зиявиддинов), Туман Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (И.Хакимов), Туман Ободонлаштириш бошқармаси (А.Ишанов)
2.	"Яшил боғлар"ни ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар: Бунда, ҳар бир туманда "Яшил ҳудуд" дахлсиз умумий мулкининг бирлик шартномаси тузиш орқали "Яшил боғлар"ни яратилиши.	Маҳаллий бюджет маблағлари	2022-2024 йиллар	Туман ҳокими ўринбосари И.Зиявиддинов), Туман Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (И.Хакимов), Туман Ободонлаштириш бошқармаси (А.Ишанов)
3.	Ҳар бир туман марказларида аҳолини турдаги дарахтларни экилиш чек қўйиб, "ғаштли кўчаси", "чинор кўчаси", "тоғи дарахти кўчаси" каби номланиб кўчатар ташкил этишни таъминлаш	Амалий чора-тадбирлар: Бунда: ҳар бир ҳудуднинг экилиш, тупроқ шароитидан келиб чиқиш ҳолда, маҳаллагаи дарахт тури ва экиш жойларини белгилаш; суғориш тизимини ҳал қилган ҳолда, тизимни ташкил этиш ва кўчатларнинг сақлаб қолишишини таъминлаш тизими назарда тутилади.	Ҳисоб-китоблар асосида	2022 йил ноябрь	Туман ҳокими ўринбосари И.Зиявиддинов), Туман Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (И.Хакимов), Туман Ободонлаштириш бошқармаси (А.Ишанов)
4.	Яшнобод туманидаги Маданият ва боғларни тасарруфидаги истироҳат богларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфига ўтказишни тартибда тўкалаш чораларини кўриш.	Амалий чора-тадбирлар: Бунда, Маданият ва боғларни тасарруфидаги истироҳат богларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига барча моддий-техника базаси ва иттифоқи билан бирга қилиб ўтказиш.	Мабғлар талаб этилмайди	2022 йил февраль.	Туман ҳокими ўринбосари И.Зиявиддинов), Туман Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (И.Хакимов), Туман Ободонлаштириш бошқармаси (А.Ишанов)
II. Яшнобод туманида ҳудудда кўкаламзорлаштириш ишларини аниқлаш ошириш					

9.	"Янгиобод туманида - янги майдон" гояларни амалга ошириш.	"Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси. Лойиҳада: 2026-йилга қадар халқаро стандартларга мувофиқ Тошкент шаҳрида кўкаламзорлаштирилган майдонларини яхшилаштириш ҳамда тоза ҳудуднинг «тақчил яшил шаҳар»ларидан бирига айлантириш; экологиявиқулайликни ошириш, тиклаш ва кўпайтиришнинг аниқ тизимини яратиш;	Маблағ талаб этилмайди	2022 йил апрель	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси. Лойиҳада: 2026-йилга қадар халқаро стандартларга мувофиқ Тошкент шаҳрида кўкаламзорлаштирилган майдонларини яхшилаштириш ҳамда тоза ҳудуднинг «тақчил яшил шаҳар»ларидан бирига айлантириш; экологиявиқулайликни ошириш, тиклаш ва кўпайтиришнинг аниқ тизимини яратиш;

III. Дарахтлар, буталар ва яшил худудларни муҳофаза қилиш бўйича чоралар					
7.	Дарахт ва буталар касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш воситаларини танлаш тавсия қилинмоқда.	Доимий чора-тадбирлар. Бунда: дарахт ва буталар касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш; гумаалар (шаҳарлар) ҳокимликлари обод қилиш ташкилотларини банкларидан, Карантин агентлиги ҳудудий бўлинмаларини дарахт ва буталар касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш бўйича модий- техника базасини мустаҳкамлаш.	Ташаббусларлар шаблонлари	2022 йил январь.	Гумаи ҳокими ўринбосари И.Эшмаҳмедов), Гумаи Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Н.Хамидов), Гумаи Ободонлаштириш бошқармаси (А.Нишанов)
IV. Кўчатчиликни ривожлантириш, кўчат экиш материалларн захирасини яратиш					
8.	Ўрмон фонди ер майдонларида дарахт ва буталар экилишини ташкилий ишларни ташкил этишга қўмаклашиш.	Доимий чора-тадбирлар. Бунда: ишчи ташкилотлар ва ишлаб чиқариш кооперативларининг ер майдонларида дарахт ва буталар ўсишини таъминлаш; ўрмон фонди ер майдонларида дарахт ва буталар ўсишини яхшилаш ва ҳосилдорлигини ошириш; ўрмон фонди ер майдонларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш; ўрмон фонди ер майдонларида ёнғинга қарши курашиш воситаларини ташкил этиш; ҳар бир ҳудудининг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, экишга мўлжал дарахт-бута турларининг тарқи, танлаш қилиш ва ўрни сақлаш имкониятларини ташкил этиш амалга оширилади.	Ҳар йили ижрочилар ўртасида шартномалар имзоланади	доимий	Гумаи ҳокими ўринбосари И.Эшмаҳмедов), Гумаи Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Н.Хамидов),
9.	Мавжуд дарахт ва бута кўчатларини етиштириш.	Доимий чора-тадбирлар. Бунда: ҳудудлар ихтисосида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун мавжуд дарахт-бута экиш материалларига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда ишлаб ва кўчатларни етиштириш технологияси ташкил этиш. Шу жумладан: ишлаб чиқариш соҳаси билан ижтимоий шериклари учун тут ва ишлаб кўчатларини етиштириш. шаклларни, турли ва бошқа тез ўсувчи дарахт кўчатларини пайдо қилиш.	Ҳар йили ижрочилар ўртасида шартномалар имзоланади	ҳар йили	Гумаи ҳокими ўринбосари И.Эшмаҳмедов), Гумаи Ободонлаштириш бошқармаси (А.Нишанов)
10.	Вилоятда тупроқда яхлаганга мос, яъни сув талаб қилмайдиган дарахт навларини кўпайтириш, хорижий мамлакатлардан дарахтларни келтириб ишлаштириш, кўчатхоналар зонини кўпайтиришга қўмаклашиш.	Доимий чора-тадбирлар. Бунда: ҳар бир ҳудудга хос кўчат турларини аниқлаб, уларни кўпайтириш бўйича ҳар бир вилоятда камида 2 тадан ихтисослаштирилган кўчатхоналар ташкил қилиш; Ўрмон хўжалигининг кўчатчилик питомникларн билан ҳамкорликда Фанлар академиясн гизовидаги институтлар фаолиятини "ота-фан ва амалиёт" тизими бўйича кооперация асосида ташкил қилиш.	Ҳисоб-китоблар асосида	2022 йил	Гумаи ҳокими ўринбосари И.Эшмаҳмедов), Гумаи Ободонлаштириш бошқармаси (А.Нишанов)